



## «АВЕСТО» ОЛИС ТАРИХИМИЗНИНГ ДУРДОНА АСАРИ.

Расурова.Ф.О.

Чирчиқ шаҳар политехникуми тарих фан ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** Авесто, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, гоя, Марказий Осиё, хоразм, замин, ер, сув, олов, муҳит, Ахурамазда, Ахриман, оташпараслик, инсон, маънавият.

Ўз мазмуни, моҳиятига кўра, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, юртпарварлик гояларини тараннум этиб, одамзот ахлини бунёдкорлик, яратувчанликка унданган муқаддас «Авесто» олис тарихимизнинг асл дурдона асалари сирасига киради. «Авесто» китоби милоддан аввалги сўнгги минг йиллик бошлари ва ўрталарида ҳудудимизда яшаган қадимий халқларнинг ўзига хос турмуш тарзи, хўжалик машғулоти, ижтимоий-маданий ҳаёти, урф-одатлари ҳақида маълумот берувчи муҳим тарихий манбадир. «Авесто»ни чукуррок ўрганган олимлар бу буюк таълимотнинг ҳақиқий ватани Хоразм воҳаси бўлиб, Амударё соҳилларида яратилганини исботлаганлар.

Ўтган асрнинг 80-йилларининг ўрталарига келиб, барча тадқикодчилар «Авесто»да учрайдиган Марв, Бақтрия, Хирот, Суғд, Нисо, Хоразм, Сейистон, Амударё, Сирдарё каби жўғрофий атамаларга асосланиб, унинг ватани Марказий Осиё ва унга чегарадош юртлардир, деган қатъий хulosага келадилар. Зероки, унда икки дарё ҳудудидаги жойлар, тоғлар, яйловлар ҳақида кўп мулоҳазалар юритилган.



«Авесто» зардустийликнинг муқаддас китоби бўлиб, унда илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича мукаммал маълумотлар берадиган энг кўхна, энг улкан манба ҳисобланади. У аждодларимизнинг ислом динидан олдинги диний, фалсафий, хукукий, маънавий қарашларини ўзида ифода этган.

Биз ундан Марказий Осиё, Эрон, Ozарбайжон халкларининг энг кадимий маросимлари, урф-одатлари, ижро этган қўшиклари, минглаб халқ оҳанглари ҳақида маълумот оламиз. Бундан ташқари, китобда кадимги халқ оғзаки ижодига тааллукли достонлар, парчалар, мифологик тимсоллар мавжуд. Мазкур обидада иктисадий ҳаёт, жўғрофия, фалакиёт, илми нужум, биология, фалсафа ва тиббиётга оид қарашлар унинг юонон ва араб табобатидан анча кўхнароқ эканини кўрсатади.

Бу манбада ер, сув, замин, яшаётган уй, бадан, кийим-кечак, озик-овкатларни тоза тутиш ва саклашга алоҳида эътибор берилган. Инсон яшаётган муҳитини тозалигини назорат килиб бориши лозим, шунда у барча қасалликларни келтириб чиқарувчи манба, ёвузлик худоси Ахриманга карши қурашган ва тозаликка риоя этган ҳолда қасалликларни олдини олишга ҳисса қўшган бўлади, дейилади китобда. (2, 34-6)

Бу фикрлар ҳозирги давр учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйида «Авесто»да битилган битиклардан мисоллар келтиришни жоиз деб топдик: Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим.

... Мехнат килмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчиilar каторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир...



Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 камчи уриш жазосига маҳқумдир.

Хар бир инсон ўзи улғайган мамлакатни энг яхши, гўзал мамлакат деб тушунмоғи керак.

Кўпроқ ғалла, ўт-олов, экин-текин, мева-чева етиштирадиган, ҳаммадан ҳам қўпроқ чорва бокиладиган жой энг яхши жойдир.

Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб... яхши ҳокимлар хукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига баҳт-саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинлар.

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алкайман. Ўзимни барча эзгу ўйларга, эзгу сўз (айтиш)га, яхшилик ишлари амалига баҳшида киламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман.

Зардуштийликнинг мукаддас китобидан келтирилган ушбу мисралар ўтмишда аждодларимиз ҳаёт фаолиятини белгилашда муҳим роль ўйнаганлигининг гувоҳи бўламиз. "Авесто" инсониятнинг буюк маънавий кадрияtlари мажмуи тарзида инсон ва инсониятнинг маънавий қиёфасини ўзида мужассамлаштирувчи манба эканлиги аён бўлади. Айнан мана шу манбада инсон ҳамма муносабатларнинг марказига қўйилади. "Авесто"даги бош маъбуд эзгулик, ёруғлик, яхшилик, баҳт-иқболи худоси Ахурамазда билан ёмонлик, ёвузлик, коронгулик, разолат тимсоли Ахриман ўртасидаги доимий муросасиз қураш гояси оташпаратлик динининг асосий мазмунини ташкил этади.

Унда инсоннинг ўзини қуршаб турган табиат ва ўзи яшаётган жамиятга бўлган муносабатларини фалсафий, маънавий-руҳий, ахлокий ва бадиий тафаккури баён этилади. Одам қалби ва руҳиятида пайдо бўлувчи эзгулик ва



ёвузлик, яхшилилк ва ёмонлик, ҳаклик ва ноҳаклик, виждон ва виждонизлилк, андиша ва андишасизлилк, сахийлик ва бахиллик, номус ва беномуслик, очиккўнгиллилк ва ичи коралик, меҳнаткашлик ва ялқовлик каби ахлокий меъёрларининг ўзаро кураши муаммоларининг ечимини топиб беришга қаратилган буюк маънавий-маданий меросдир.

Демократик инсонпарвар жамият қурилишида авлод-аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий ва хуқуқий қарашларининг қай тарзда шаклланганлигини билиш нафакат миллий ўзлигимизни англашимизда, балки, ахлоқий ва хуқуқий тасавурларимизнинг кенгайиши, азалий ахлоқий фазилатларимизнинг мукаммаллашувида муҳим рол ўйнайди.

Шу ўринда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" китобида "Авесто"ҳакида билдирилган фикрлари ҳам диққатга сазовордир: "Авесто"нинг туб мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" деган тамойилини оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар

борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор гояси сифатида талкин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан накадар узвий bogлик экани айникса эътиборлидир. (1,32-6)

Қадимги аждодларимиз яраттан «Авесто» дунёдаги энг қадимий, ноёб билимлар ҳазинасидир. Унда оламдаги барча диний, дунёвий, табиий фанлар бўйича теран мулоҳазалар мавжуд.

Шу ўринда таниқли олмон файласуфи Ф.Нитше каламига мансуб "Зардушт таваллоси" асарининг Иброҳим Фофуров таржимасида ўзбек тилида нашр этилиши бугунги маънавий хаётимизда катта воеа бўлди, десак асло муболага бўлмайди. Ушбу китобни ўқиган инсонда у катта таассурот



қолдиради. Айниқса, дўстлик инсон ҳаётининг мазмуни эканлиги ҳақидаги ажойиб фикрлари дикқатга сазовордир: "Дўстлик кўнгил иши, сен дўстинг учун мусаффо ҳаво, ризқ-рўз ва дори-дармон бўла оласанми?" (3,52-б).

Афсуски, тарихий шарт-шароитлар силсиласи натижасида бундай тарихий меросимизнинг учдан бир қисмигина бизгача етиб келган.

Шу маънода «Авесто» биз учун нафакат тарихий мерос, балки, шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда миллий ўзлигимизни саклаш, ўсиб "келаётган ёш авлодни юртта, ўтмиш аждодларимиз меросига нисбатан юксак хурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этиши, шубхасиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008.
2. Ўзбек педагогикаси антологияси. 1-жилд. Т.: Ўқитувчи. 1995.
3. Ф. Ницше. Зардушт таваллоси (И.Фофуров таржимаси). Т.: Янги аср авлоди. 2007. 52-бет.